

8-MAVZU: Xalq maqollari va topishmoqlar.

Савол ва топшириқлар:

1. Халқ мақолларининг жанр хусусиятларини сананг, уларнинг ҳар бирини изоҳлаб, мисоллар билан далилланг.
2. Мақолларнинг йўқолиб кетиши учун қандай сабаблар бор?
3. Халқ мақолларининг бойиш манбаларига изоҳ беринг.
4. Мақолларнинг бадиий мукаммаллиги ҳақида қандай мулоҳазаларга эгасиз. Мақоллардан мисол келтиринг, бадиий санъатларни кўрсатинг.
5. Мақол тарихи ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
6. Ёзма адабиёт вакилларининг мақоллардан фойдаланиш усуллари ҳақида нималар биласиз? Биронта роман ёки ҳикоя мисолида фикрингизни исботланг.
7. Мақоллар қандай хусусияти билан маталдан фарқланади.
8. Лутфийнинг мақоллар тизимидан ташкил топган ғазалини ёдланг, мақолларга изоҳ беринг.
9. Топишмоқларнинг мақолларга ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқланг.
10. Топишмоқларнинг жанр хусусиятларини сананг ва изоҳланг.
11. Топишмоқларнинг ҳаёт билан муносабати ҳақида сўзланг, уларнинг тарбиявий аҳамиятини топинг.
12. Топишмоқларда қандай бадиий тасвир воситалари қўлланади?
13. Ёзма адабиётдаги чистон, муаммо, тарих жанрларини топишмоқлар билан таққосланг.